

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
КУТУБХОНАСИДА “INFOLIB —  
2016” МИЛЛИЙ АХБОРОТ-  
КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ  
ДОИРАСИДА ҚИЗИҚАРЛИ  
УЧРАШУВЛАР,  
АНЖУМАНЛАР, ДАВРА  
СУҲБАТЛАРИ, ИЖОДИЙ  
МУЛОҚОТЛАР БЎЛИБ  
ЎТМОҚДА, МАЪРИФИЙ  
ЛОЙИХАЛАР ТАҚДИМ  
ЭТИЛМОҚДА.**



## ИСТЕЪДОД ВА КАСБ МАҲОРАТИ СИНОВИ

Ҳафталикнинг “Танловлар кунини” деб ном олган навбатдаги кунинида ўтказилган “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси — 2016” республика танловида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги зиё масканларининг мутахассислари турли йўналиш бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди.

— Танловдан кўзланган асосий мақсад ахборот-кутубхона масканларида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг билиминини оширишдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Миллий кутубхо-

наси директорининг ўринбосари Умида Тешабоева. — Танлов давомида ходимларнинг ишга ижодий ёндашуви, ахборот-кутубхона фаолияти, фонди ва хизматларини тарғиб этишнинг янги шакллари ва усулларини излашига эътибор қаратилди.

Тадбирда иштирокчилар меҳнат қилаётган ахборот-кутубхона фаолияти ўрганилиб, улар томонидан тақдим этилган лойиҳалар муҳокама этилди. Тест синовлари билан бирга, турли мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш, муомала ма-

данияти, компьютер саводхонлиги даражаси ҳисобга олинди.

— Танловда кутубхоначилик ишидаги масофавий таълимга оид лойиҳамиз билан қатнашдик, — дейди Хоразм вилояти “Авесто” жамоаси вакили, Урганч давлат университети ахборот-ресурс маркази мутахассиси Хушнуд Оллоберганов. — Бу лойиҳа соҳага оид янгилик ва маълумотлар, ўқув адабиётлари, қўлланмалар, курс ишларидан интернет орқали вилоятнинг турли ҳудудларидаги ахборот-кутубхона масканларидан туриб кенг

фойдаланиш имконини беради.

Шу кунини ҳафталик доирасида “Таълим соҳасида ҳуқуқингизни биласизми?”, “Адабиёт билимдони”, “Жонажон юртим менинг чизгиларимда”, “Ўзбекистон келажаги менинг тасаввуримда”, “Мустақил юрт манзаралари” каби мавзуларда ижодий танловлар, шахмат бўйича турнир ҳам ўтказилди. Болалар учун “Чойхона” номли кўғирчоқ спектакли намойиш этилди.

**Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири**